

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ — шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий муносабатлар, жараёнлар, алоқа ва мулоқотлари мажмуи, ижтимоий ҳаётнинг муҳим кўринишини ифодаловчи т. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган. М.ҳ.га бўлган жиддий эътибор ва уни ўрганиш фақат мам-тимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва рив-шида аниқ тарихий табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлиб, М.ҳ. мезонлари, ахлоқ-одоб қоидалари инсонларга куч-қувват бағишлайди. Аниқроғи, М.ҳ. орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини фаровонлик ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга ҳаракат қилади. Мад-й тараққиётга хос бўлган умумий қонуниятлардан бири – инсоннинг тўхтовсиз равишда маънавий жиҳатдан юксалиб бориши билан белгиланади. М.ҳ. жамиятда амал қилувчи ижтимоий меъёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга келиб ривожланмайди, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Демак, маънавий ҳаётнинг шаклланиб бориши ва яшовчанлиги, авваламбор, шу жамият фуқаролари зиммасига юклатадиган асосий масъулиятдир. Шахснинг маънавий юксалиши ва жамиятнинг маънавий бойлигини сақлаш бир хил қийматга эга ҳолатлардир. Инсон жамият олдидаги бурчини тўлақонли равишда ижро этиб борар экан, шу билан бирга ижтимоий меъёрларга риоя қилиш мавжуд анъаналарнинг яшовчанлигини таъминлайди, ўз фаолиятига ижодий ёндашуви орқали эса қадриятларнинг замон талабига биноан янада мукаммаллашишига кўмак беради. Маънавий юксалиш инсон ҳаёт мазмунининг янада бойишига, унинг шахс сифатида янада комилликка эришишига асос бўлади. Шахснинг маънавий дунёси унинг қадриятлари тизими, эътиқоди ва дунёқарашининг мазкур жамиятда амал қилувчи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Қадриятларнинг бундай ўзаро мутаносиблиги М.ҳ.нинг янада мукаммаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шахс М.ҳ.ининг етакчи ўринга чиқиши, авваламбор, жамият ва давлат бошқарувини инсонлар манфаатига кўпроқ қаратишда, жамият ижтимоий ҳаётининг янгича мазмун касб этишида ўз аксини топади.